МОБИЛ ТАЪЛИМДАН РАҚАМЛАШТИРИЛГАН ПЕДАГОГИКАГА

Абидов Абдужаббор Абдухамидович,
техника фанлари номзоди, доцент,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,
Нурсаидов Нурмуҳаммад Яшнар ўғли,
ТДИУ стажёр тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада сайёрамиздаги энг кенг тарқалган интерактив АКТ қурилмаси – мобил телефонлардан ўқиш, таълим бериш жараёнида қўллашни маъқуллаган ЮНЕСКО тавсиялари шарҳланган.

Калит сўзлар. Мобил таълим, мобил технологиялар, мобил телефонлар, планшет компютерлар, электрон китоб, мултимедиа имкониятлари, Интернет.

Аннотация. В этой статье комментируются рекомендации ЮНЕСКО, которая одобряет использование в образовательном процессе самого распространенного на планете интерактивного устройства ИКТ - мобильных телефонов.

Ключевые слова. Мобильное образование, мобильные технологии, мобильные телефоны, планшеты, электронные книги, мультимедийные возможности, Интернет.

Annotation. This article comments on the UNESCO recommendations that endorse the use of mobile phones, the most widespread interactive ICT device on the planet, in the educational process.

Keywords. Mobile education, mobile technologies, mobile phones, tablets, e-books, multimedia capabilities, the Internet.

ЮНЕСКО таъкидлашларига кўра, мобил технологиялар турли хил шароитларда ўрганиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириши ва яхшилаши мумкин.

Бугунги кунда мобил қурилмалар (айниқса, мобил телефонлар, кейинчалик планшет компютерлар) ҳам талабалар, ҳам ўқитувчилар томонидан фойдали

маълумотларни олиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш ва янги прогрессив усуллар ёрдамида бошқариш учун кенг қўлланилмоқда.

Тавсия этилган кўрсатмалар тегишли ташкилотларга мобил таълим нима эканлигини ва унинг ҳамма учун таълимни амалга ошириш учун унинг ноёб имкониятларидан қандай фойдаланишни тушунишда ёрдам беради.

Ушбу Тавсиялар 20 дан ортиқ мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Улар турли хил дастурларга эга ва улардан кенг доирадаги ташкилотлар: ўн икки йиллик ўқиш мактаблари, университетлар, маданият ва спорт марказлари, шунингдек, техник ва касб-ҳунар мактаблари фойдаланиши мумкин, дейилади[1,7бет].

Таълим органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва сиёсат ишлаб чиқарувчилар, ушбу таълим тизимларининг маҳаллий шароитлари, хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ушбу ЮНЕСКО тавсияларини мослаштиришга даъват этилади.

Мобил таълим ўқув жойи қаерда бўлиши ва вақтидан қатъи назар, ўқув жараёнини ташкил қилиш учун мобил технологиялардан алоҳида ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ) билан биргаликда фойдаланишни назарда тутади. Таълим турли шаклларда бўлиши мумкин:
мобил қурилмалар ёрдамида талабалар таълим манбаларига киришлари, бошқалар билан боғланишлари, синф ичида ва ташқарисида контент яратишлари мумкин. Мобил таълим ўқув мақсадларига эришиш учун зарур бўлган тадбирларни, масалан, мактаб тизимларини самарали бошқариш, таълим муассасалари ва талабалар оилалари ўртасидаги алоқани яхшилашни ўз ичига олади.

Мобил технологиялар доимо ривожланиб бормоқда. Бозорда жуда кўп турли хил қурилмалар мавжуд. Тафсилотларни ҳисобга олмаганда, уларнинг қаторига мобил телефонлар, планшет компютерлар, электрон китобларни ўқийдиган аудиоплерлар ва портатив ўйин қурилмалари киради. Ушбу рўйхат тезда ўзгариши мумкин. Технологик таърифларни чексиз такомиллаштириш билан асосий вазифадан чалғимаслик учун, ЮНЕСКО бу ҳолда асосан

ташкилотларга эмас, балки шахсларга тегишли бўлган рақамли ва тўлиқ портатив кўчма мобил қурилмаларнинг кенг доирасини назарда тутади.

Бундай қурилмалар Интернетга кириш, мултимедиа имкониятларини қўллаб-қувватлаш ва кенг кўламли вазифаларни, хусусан алоқа билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ёрдам бериш имкониятига эга.

Мобил технологияларнинг яна бир муҳим хусусияти бу кенг қўлланилишидир. Дунё бўйлаб 7 миллиарддан ортиқ уяли алоқа абонентларига эга бўлган мобил телефон сайёрамиздаги энг кенг тарқалган интерактив АКТ қурилмаси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда ҳар киши мобил телефонга эгалик қилади ва ундан фойдаланади.Қолоқ ва камбағал мамлакатларда бу кўрсаткич сезиларли даражада пастроқ, аммо бу ерда ҳам мобил алоқа фойдаланувчилари сони жуда тез ўсиб бормоқда.

Баъзи давлатлар, масалан, Туркия ва Таиланд мактабларда планшет компютерларни жорий этиш бўйича катта режаларини эълон қилишди.

Мобил таълим - бу таълим соҳасида АКТни қўллашнинг алоҳида йўналиши. Шу билан бирга, бу ҳолда стационар компютерлар билан таққослаганда янада қулайроқ, ўзини ўзи таъминлайдиган ва бошқариладиган технологиядан фойдаланилганлиги сабабли, уни ишлатиш ва жорий этишнинг анъанавий моделларини қайта кўриб чиқиш керак.

Аслида мобил таълимни ҳамма қабул қилган тамойиллари мавжуд[2]. Бу умумий фикрларни қуйидаги адабиётда ҳам кўриш мумкин[3,5бет].Энг асосийларидан бири: мобил таълим муҳити таълим контенти, гуруҳ қатнашчилари, экспертлар пакет ҳужжатларига эркин киришни таъминлаши керак.

Илгари компютерлаштириш ва электрон таълим соҳасидаги лойиҳалар техник воситалар билан боғлиқ бўлган чекловларга эга эди: ускуналар қимматга тушган, эҳтиёткорлик билан ишлашни талаб қилган, оғирлиги катта бўлган ва белгиланган жойларда қатъий ишлатилиши мумкин. Энди мобил таълим соҳасидаги лойиҳалар талабаларнинг ушбу технологияга доимий ва кўп жиҳатдан назоратсиз киришини назарда тутади. Мобил технологияларнинг

мавжудлиги ривожланишда давом этар экан, шахслар ва таълим учун жавобгарлар АКТ салоҳиятини қайта кўриб чиқишлари керак.

Мазкур йўриқномалар ўқув жараёнида мобил таълимнинг ўзига хос афзалликларини батафсил баён қилиш ва энг юқори даражадаги сиёсат тавсияларини шакллантириш орқали осонлаштиришга қаратилган.

Имкониятларни кенгайтириш ва таълим олишнинг тенг имкониятларини таъминлашга интилиш учун шуни ҳисобга олиш керакки, бугунги кунда мобил технологиялар ҳар жойда, ҳатто мактаблар, китоблар ва компютерлар етишмаётган жойда ҳам мавжуд. Уяли телефонларнинг нархи доимий равишда пасайиб бормоқда, шунинг учун тобора кўпроқ одамлар, ҳатто энг қашшоқ минтақаларда ҳам бундай қурилмаларни сотиб олиш ва улардан қандай фойдаланишни билиш имконияти мавжуд.

Кўпайиб бораётган лойиҳалар шуни кўрсатадики, мобил технологиялар сифатли таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлган талабалар учун ажойиб таълим воситасидир. Масалан, BridgeIT лойиҳаси доирасида ўрганиш, илмий тадқиқот ёндашувига асосланиб, Лотин Америкаси ва Осиё учун замонавий ўқув материалларини тақдим этди. Лойиҳа географик жиҳатдан ажратилган таълим муассасаларига қаратилган ва мобил алоқа орқали амалга оширилди. Унинг ёрдами билан ҳатто стационар телефон тармоғига уланмаган ўқув юртлари ҳам Интернетга киришга эришди. Колумбия ҳукумати томонидан молиялаштириладиган яна бир йирик саводсизликни тугатиш лойиҳасида 250 минг киши таълим дастурлари ўрнатилган арзон нархлардаги мобил қурилмаларга эга бўлди[1, 12бет].

Мазкур лойиҳалар ушбу соҳадаги янги ўқитиш усуллари ва имкониятлари орқали таълим ҳуқуқларининг тенглигини яхшилайди. Мобил қурилмаларнинг ноёб афзалликларидан фойдаланган ҳолда, ушбу лойиҳалар мавжуд таълим манбаларини (дарсликлар, инфратузилма, ускуналар, ўқув воситалари ва ахборот таъминоти) алмаштирмайди, аксинча тўлдиради.

Амалий мисол тариқасида яна Nokia Life лойиҳаси бундан ўн йиллар аввал бошланган эди. Унинг доирасида Ҳиндистон, Хитой, Индонезия ва Нигерияда

90 миллиондан ортиқ киши ахборот ва таълим манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.Ушбу хизматдан фойдаланувчилар кенгайтирилган менюдан: таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик маълумотларини контентини танлашлари ва форматланган хабарлар кўринишида уяли телефонларига юборишлари мумкин.

Nokia Life сервиси коллеж ўқувчиларига турли фанлардан имтиҳонларга тайёргарлик кўришда ёрдам кўрсатади, деҳқонларга ҳосилни ошириш ва бозорда маҳсулотларнинг адолатли нархлари бўйича келишувлар тўғрисида маълумот беради. Бундан ташқари, хизмат: болаларни тарбиялашга оид хабарларни юборади, диабет ва бошқа касалликлар тўғрисида маълумот беради ва бизнес соҳасида фаоллигини оширмоқчи ёки кичик бизнес очмоқчи бўлган аёлларга ахборот ёрдамини тақдим этади. Ўқув материаллари мослаштирилган ва 18 тилда мавжуд.

Улар турли жамоаларда яшовчи одамларнинг эҳтиёжлари ва маданиятини қондириш учун мўлжалланган. Юборилган ахборот бюллетенларининг таркиби 90 шерик ташкилотлари иштирокида ишлаб чиқилган ва юборишдан олдин мутахассислар томонидан синчковлик билан текширилган. Nokia Life илгари ҳеч қачон рақамли ахборот хизматларидан фойдаланмаган одамларга ишончли маълумотларни тақдим этади. Кўпгина мамлакатларда хизмат нархи ойига 1 доллардан ошмайди, бу эса уни қимматбаҳо маълумот олиш учун қулай ва фойдаланишда қулай порталга айлантиради.

Амалий мисол тариқасида ЮНЕСКОда мобил саводхонлик лойиҳаси амалга оширилганин келтириш мумкин. Покистоннинг чекка ҳудудларидан 250 нафар ўспирин қизлари иштирок этган мунтазам равишда юзма-юз ўқитиш курси мобил технологиялар имкониятлари билан тўлдирилди.

Покистонда саводхонлик муаммоси, айниқса аёллар ва қизлар ўртасида жуда кескин. Эркакларнинг саводхонлик даражаси 69% ни ташкил қилади, мамлакатдаги аёллар саводхонлиги эса атиги 40% ни ташкил қилади. Олинган билим кундалик амалиётда ишлатилмаса тезда унутилиб кетиши сабабли, ЮНЕСКО мутахассислари курсни тугатгандан сўнг қизларга масофадан туриб

ёрдам беришга қарор қилишди. Уяли телефонлар компютерлари ёки ишончли стационар телефонлари бўлмаган қишлоқлардаги талаба қизлар билан алоқа қилишнинг ягона усули эди. Ўқитувчилар қиз талабаларга матнли хабарларни юборишди, уларга ёзма топшириқни бажаришни ёки дарсликдаги матнни қайта ўқишни эслатдилар.

ЮНЕСКО лойиҳасида мобил телефонлардан фойдаланилмагунча, саводхонликни олган қизларнинг атиги 28 фоизи имтиҳонда аъло баҳо олди. Уяли алоқадан фойдаланиш энг юқори баҳо олган талаба қизларнинг сонини 60% дан ортди. Дастлабки муваффақиятга асосланиб, лойиҳа ҳозирда 2500 ўқувчини қамраб оладиган кенгаймоқда. ЮНЕСКО тадқиқотлари шуни кўрсатдики, мобил қурилмалардан фойдаланиш ўқитувчилар синф дарсларида вақтдан унумли фойдаланишлари мумкин.

Агар талабалар пассив ёки қуруқ ёдлаш, мисол учун маъруза тинглаш каби ёки янги материалларни уйда ўрганиш каби масалаларни ҳал қилишда мобил технологиялардан фойдалансалар, у ҳолда мактабга, ёки бошқа таълим даргоҳига келганда вақтларида ўқиганлари, янги ғояларни муҳокама қилиш, қабул қилган билимларини ўз талқинлари билан ўзаро бахсда фикр алмашишга имконият туғилади. Мобил таълим талабаларнинг ажралишига олиб келмайди, аксинча уларнинг ўзаро ижодий жамоавий самарадорлик билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Шимолий Америкада ир қисм тадбирлар синфдан ташқарида ўтказиш модели амалга киритиляпти. Ўқувчиларга маърузаларни шу ерда эшитиш таклиф этилади. Одатда мобил қурилмаларда маърузалар ёзилган бўлади.Шу сабабли кўпроқ вақт синфда сиз нафақат билимларни узатишга, балки уларнинг амалий ишлашларига ҳам бағишлашингиз мумкин. Илгари мактабда бажарилган вазифалар энди уй вазифасига айлани, синфда биргаликда ишлашга кўпроқ эътибор берилади. Оддий алоқа каналларидан кўра мобил қурилмалардан хабарлар, маълумотлар ишончли, самарали ва кам ҳаражатлар билан узатилади.Шунинг учун талабалар ва ўқитувчилар уларни кўпроқ ишлатишади.

Мобил қурилмалардан ўқитувчилар берилган масала, топшириқларни бажарилишини сўраши, ота-оналар эса уларнинг академик қарздорлиги ёки муваффақиятли ўиётгани ҳақида актуаоль маъумот олиши мумкин.

Бундан ташқари Осиё, Африка ва Шимолий Америкада киритилган лойиҳаларда бир номдаги предмет ўқитувчилари ўзаро биргаликда фаолият юргизишади. Мисол учун Жанубий Африканинг Teaching Biology («Биологияни ўрганиш») лойиҳаси ўқитувчилари ишчи дастурлари, ғоялари, фикрлари билан моил қурилма асосида маълумот алмашишади. Лойиҳада қатнашган педагогла у нарса профессионаликларини ошириб, ўртоқлик ҳиссини кучайтиргани таъкидлашган. Энди уларга ўртоқларига турли муаммоларда кўмак учун мурожаат қилиш осон бўлганини таъкидлашган.

Мобил таълим назарий имконият эмас, ҳақиқатдир. Мозамбикда ёки Мўғулистонда бўлсин, талабалар ва ўқитувчилар мобил қурилмалар ёрдамида кенг таълим манбаларига киришлари, бошқа талабалар билан муҳокама қилишлари ва маълумот алмашишлари, ҳамкасблари ва ўқитувчиларидан қўллаб-қувватлашлари ва самарали мулоқот қилишлари мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мобил технологиялар таълимни ҳеч қачон даволовчи восита эмас ва шундай бўлмайди, аммо бу кучли ва кўпинча эътибордан четда қоладиган восита таълимни кейинги босқичга кўтариши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. www.unesco.org/open-access/terms-use-ccbyncnd-rus
2. http://www.teachthought.com/technology/12-principles-of-mobile-learning)
3. Файн М.Б. Мобильное образование как основная форма построения инклюзивного образовательного пространства в университете // Современные научные исследования и инновации. 2014. № 9. Ч. 2 [Электронный ресурс]. URL: http://web.snauka.ru/issues/2014/09/38408 (дата обращения: 03.03.2021).